

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАСОЛИЕВА ШАХНОЗА АСКАРОВНА**

**ҚОН ҚУЙИЛИШИГА ҚАРШИ АСФИНОЛ ТАБЛЕТКАСИ ТАРКИБИ  
ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**15.00.01 - дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (PhD)**

**Мамасолиева Шахноза Аскарровна**

Қон қуйилишига қарши Асфинол таблеткаси таркиби ва ишлаб чиқиш  
технологиясини яратиш..... 5

**Мамасолиева Шахноза Аскарровна**

Разработка состава и технологии таблеток антикоагулянтного  
действия Асфинол..... 19

**Mamasolieva Shakhoza Askarovna**

Development of technology and composition of anticoagulant tablets  
Asphinol..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАСОЛИЕВА ШАХНОЗА АСКАРОВНА**

**ҚОН ҚУЙИЛИШИГА ҚАРШИ АСФИНОЛ ТАБЛЕТКАСИ ТАРКИБИ  
ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**15.00.01 - дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Far27 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Худойбердиев Маруф  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Қамбаров Хусан Джахонгирович  
фармацевтика фанлари доктори, доцент  
Сотимов Ғайрат Бахтиярович  
техника фанлари доктори


**Етакчи ташкилот:** Тошкент кимё-технология институти


Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» 04 соат 19 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail:pharmi@pharmi.uz.)


Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» 04 кун таркатилди.  
(2020 йил «1» 04 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



  
**А.Ф.Дусматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д., доцент

  
**Ё.С. Кариева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

  
**Ф.Ф.Урманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 56% юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқиши кўпчилик ҳолларда томирларда тромб ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. Аҳолини томирларда тикилмалар ҳосил бўлишини олдини олиш ва бор тикилмаларнинг ўсишини тўхтатишда антикоагулянт дори воситалари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида турли замонавий технологияларни қўллаган ҳолда антикоагулянт препаратлар яратиш, уларнинг сифатини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада аҳолини қон қуйилишига қарши дори воситаларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган самарали препаратлар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг безарарлигини исботлаш, яроқлилик муддатини белгилашни тақозо этмоқда.

Республикамызда маҳаллий хом ашёлар асосида дори воситаларни ишлаб чиқариш, аҳолини сифатли ва арзон препаратлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «...фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хом ашёлар асосида юқори самарали дори препаратлар таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЎзР ФА акад. О.Содиқов номли биоорганик кимё институти ходимлари томонидан ишлаб чиқарилган сафинол субстанцияси профессорлар Ю.С.Суханов, Г.Т.Черненко, илмий ходим Е.П. Мельниковалар томонидан антикоагулянт таъсирга эга эканлиги ўрганилган, М.А.Худойбердиев, Ф.И.Ибрагимов, Л.Л.Калинская, Ш.И.Салиховлар томонидан субстанция учун «Қон антикоагулянти сифатида қўллаш ва уни олиш усули» номли ихтиро патенти олинган.

Ушбу диссертация ишидаги илк бор маҳаллий субстанция асосида антикоагулянт таъсирга эга таблетканинг таркиб ва технологиясини яратиш, сифат меъёрларини аниқлаш, фармакологик хоссалари ва безарарлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сафинол субстанцияси асосида таблетка дори шаклининг илмий асосланган таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Сафинол субстанциясининг технологик хоссаларини ўрганиш;
- илмий асосланган ёрдамчи моддаларни танлаш;
- Асфинол таблеткасининг мўътадил таркиб ва технологиясини ишлаб чиқиш;
- олинган таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш;
- Асфинол таблеткаси миқдорий тахлил усулларини ишлаб чиқиш;
- Асфинол таблеткаси биосамарадорлигини *in vitro* ва *in vivo* усулларида ўрганиш;
- Асфинол таблеткаси сақланиш шароити ва яроқлилик муддатини белгилаш;
- тавсия этилаётган дори препаратини тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий-техник хужжатларни тайёрлаш ва ЎзР ССВ Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази ДУК га тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида сафинол субстанцияси ва унинг асосида олинган таблетка дори шакли қўлланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сафинол субстанциясининг технологик хоссаларини ўрганиш асосида таблетка таркибини танлаш ва технологиясини

ишлаб чиқиш, олинган таблеткаларнинг сифат ва миқдорий таҳлилини ўтказиш, яроқлилиқ муддати ва турғунлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини бажаришда замонавий технологик, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий субстанция асосида қон қуйилишига қарши Асфинол таблеткасининг илмий асосланган муайян таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

Асфинол таблеткасининг сифат кўрсаткичлари аниқланган;

таклиф этилаётган таблетканинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланган;

Асфинол таблеткасининг биосамарадорлиги «айланувчи кажава» асбобида биофармацевтик нуқтаи назардан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

прессланадиган массанинг технологик хоссалари сафинол субстанциясининг кўрсаткичларига нисбатан ижобий эканлиги исботланган;

қадоқлов материалларига қадоқланган таблетканинг сақланиш шароитлари ва яроқлилиқ муддатлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий технологик, физик, физик-кимёвий, биофармацевтик усуллардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор антикоагулянт таъсирга эга маҳаллий сафинол субстанциясидан ёрдамчи моддалар мажмуаси ҳамда нам донадорлаш усулидан фойдаланган ҳолда таблетка дори шакли таркиби танланганлиги ва технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сафинол субстанцияси асосида таклиф этилган Асфинол таблеткаси учун вақтинча фармакопоя мақоласининг ишлаб чиқилиши ва уни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун ЎзР ССВнинг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилиши ҳамда таблетканинг ишлаб чиқариш технологиялари саноат шароитида синовдан ўтказилиши билан изоҳланади. Бу эса Асфинол препаратини саноат шароитида ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Асфинол таблеткасининг таркиби ва технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Асфинол таблеткалари учун вақтинча фармакопоя мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга тақдим қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати; «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКнинг 2019 йил 4

ноябрдаги 29/09-4276-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу фармакопоя мақоласининг тасдиқланиши антикоагулянт таъсирли Асфинол таблеткаларини ишлаб чиқиш имконини беради;

Асфинол таблеткаси учун ишлаб чиқилган тажриба-саноат регламенти тасдиқланган (ОПР 64-0269-13-2019). Натижада антикоагулянт таъсирга эга дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва рўйхатга олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республикада ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил қилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Миллий фармацевтика саноатида тайёр дори турларининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, аҳолини дори воситалари билан таъминлашда таблетканинг тайёр дори турлари орасида тутган ўрни, антикоагулянт препаратларни яратиш ҳолати ва истиқболлари кўрсатиб берилган. Томирларда қон тикилмаларига қарши қўлланиладиган моддалар ичида антикоагулянтлар кенг қўлланиладиган препаратлар ҳисобланиши, бу препаратлар томирларда тикилмалар ҳосил бўлишининг олдини олиш ва бор тикилмаларнинг ўсишини тўхтатиш мақсадларида қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар адабиётлар шарҳини камраб олган.

Диссертациянинг «**Субстанция ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий ва фармакотехнологик хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида ЎЗР ФА академик О.Содиқов номли биоорганик кимё институти ходимлари томонидан салицил кислота, формалин ва  $\epsilon$ -аминоэнант кислоталар конденсацияланиши асосида синтез қилинган антикоагулянт хоссага эга



бўлган сафинол субстанцияси хақида маълумотлар келтирилган. У ацетилсалицил кислота хоссаларига эга, лекин унинг нохуш хусусиятларидан холи бўлган қон қуйилишига қарши восита сифатида тавсия этилган. Ушбу бобда субстанциянинг физик-кимёвий хоссалари, таблетка таркибига кирувчи ёрдамчи моддалар хақида маълумотлар келтирилган. Субстанция ва прессладанган массанинг сараланиш таркиби сочилувчанлиги, сочилувчан зичлиги, прессланиш ва зичланиш коэффициентлари, қолдиқ намлик каби технологик кўрсаткичлари аниқланди. Субстанциянинг аморф кукун бўлганлигини инобатга олиб, унинг кристалл тузилиши ўрганилмади.

Сафинол субстанциясининг технологик хоссаларини ўрганиш натижаларига кўра, унинг қатор кўрсаткичлари ижобий қийматларга эга эканлиги аниқланди. Тадқиқот натижалар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

### Сафинол субстанциясининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

Ўрганилган кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
Фракцион таркиб,	мкм	
+ 1000		2,57
- 1000 + 500		12,53
- 500 + 250		66,10
- 250 + 125		11,57
- 125		7,23
Сочилувчан зичлик	кг/м <sup>3</sup>	809
Сочилувчанлик	10 <sup>-3</sup> кг/с	5,0
Прессланувчанлик	Н	25
Зичланиш коэффициенти		1,62
Прессланиш коэффициенти		1,25
Қолдиқ намлик	%	4,5- 5,0

Диссертациянинг «Сафинол субстанцияси асосида таблетка таркиби ва технологиясини яратиш» деб номланган учинчи бобида Асфинол таблеткаси учун мўътадил таркиб ва технология танлаш, прессладанган массанинг технологик хоссаларини ўрганиш, Асфинол таблеткасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари келтирилди. Фармакологларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида сафинолнинг таблетка дори шакли учун унинг терапевтик дозаси 0,3 г деб белгиланди. Сафинол субстанциясининг ижобий технологик хоссаларига асосланган ҳолда, ундан тўғридан-тўғри пресслаш орқали таблетка олиш имконияти ўрганилди. Ёрдамчи моддалардан картошка ва гуруч крахмали, МКЦ ва талък асосида турли нисбатларда таблетка массалари тайёрланди. Қуйидаги 2-жадвалда тўғридан-тўғри пресслаш учун тайёрланган таркиблар келтирилди.

## Асфинол таблеткалари учун танланган таркиблар

№	Ўрганилаётган таблетка таркиби	Таркиб, г				
		1	2	3	4	5
1.	Сафинол	0,3000	0,3000	0,3000	0,3000	0,3000
2.	Картошка крахмали		0,0267		0,0267	
3.	Гуруч крахмали			0,0267		0,0267
4.	МКЦ	0,0267				
5	Кальций стеарат	0,0033			0,0033	0,0033
6.	Тальк		0,0033	0,0033		
7.	Ўртача оғирлик, г	0,330	0,330	0,330	0,330	0,330

Тайёрланган таблетка массаларидан андоза таблеткалар олинди. Уларнинг сифат кўрсаткичлари текширилди ва натижалари 3-жадвалда келтирилди.

## Асфинол таблеткасини сифат кўрсаткичлари

№	Сифат кўрсаткичлар	Олинган натижалар				
		1	2	3	4	5
1	Ташқи кўриниши	сарғиш- қаймоқ рангли четлари бутун таблетка	сарғиш- қаймоқ рангли четлари бутун таблетка	сарғиш- қаймоқ рангли четлари бутун таблетка	сарғиш- қаймоқ рангли четлари бутун таблетка	сарғиш- қаймоқ рангли четлари бутун таблетка
2	Ўртача оғирлиги, г	0,317	0,322	0,311	0,307	0,306
3	Талетка баландлигининг диаметрга нисбати, %	34,4	35,6	35,6	35,6	35,4
4	Ишқаланишга бўлган қаттиқлик %	96,5	97,1	95,8	97,7	96,2
5	Синишга нисбатан қаттиқлиги, Н	28,0	35,0	30,0	40,0	40,0
6	Парчаланиши, С	300	320	280	240	240

Олинган намуна таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига биноан 5 та таркиб бўйича МКЦ билан тайёрланган таблеткалар сифат кўрсаткичлари қониқарсиз бўлди. Эҳтимол бунинг сабаби МКЦ нинг нисбатан юқори (5%) намлиги бўлиши мумкин. Қолган 2, 4-таркиблар бўйича олинган таблеткалар қониқарли кўрсаткичларга эга. Шундай қилиб, Асфинол таблеткасини тўғридан-тўғри пресслаб олиш имконияти борлиги аниқланди. Тажрибалар натижасида энг яхши натижалар қуйидаги таркибда олинди:

Сафинол	- 0,300 г
Картошка крахмали	- 0,0267 г
<u>Кальций стеарат</u>	<u>- 0,0033 г</u>
Ўртача масса	- 0,33 г

Танланган таркиб бўйича Асфинол таблеткаларининг технологиясини ишлаб чиқиш учун керакли миқдорда прессланадиган масса тайёрланди. Тайёр масса таблетка машинасида прессланди. Пресслаш жараёни бир меъёردа амалга оширилди. Олинган таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Тажиба натижаларига кўра таблеткалар ташқи кўриниши ва асосий сифат кўрсаткичлари бўйича таблеткаларга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб берди. Йирик саноат ишлаб чиқариш миқёсида таблетка машинасини ишлаш жараёнида хампадаги прессланадиган массанинг қисман қаватланиши кузатилди. Прессланадиган масса заррачаларининг ўлчамлари ва зичликлари орасидаги тафовут ҳисобига массанинг бироз қаватланиши аниқланди. Таблеткаларнинг ўртача оғирлиги ва ундан четланиши ҳамда сафинолни таблетка таркибидаги миқдорини ўрганиш натижалари охириги серияларда бу кўрсаткичлар биринчи сериядагилардан катта фарқланишини кўрсатди. Бундай ҳолат ўз навбатида олинаётган таблеткаларнинг ўртача массаларининг бир хил бўлишига ҳамда таъсир этувчи модданинг таблетка таркибидаги миқдорига сезиларли таъсир этиши мумкин. Субстанция технологик хоссаларини ижобий томонга силжитиш учун нам донадорлаш усуллари ўрганилди. Таблетка таркибини танлашда математик режалаштириш усули-лотин кубини 3x3 усулидан фойдаланилди.

#### 4-жадвал

#### Асфинол таблеткаларининг мўътадиллаштириш мезонларига таъсир қилувчи омиллар

Таблетка номи	Омиллар			
	А-боғловчи моддалар	В- ғовакловчи моддалар	С - антифрикцион моддалар	Д- технологик усуллар
Асфинол	а <sub>1</sub> -тозаланган сув	б <sub>1</sub> -картошка крахмали	с <sub>1</sub> -магний стеарат	д <sub>1</sub> -технологик усул <sup>1</sup>
	а <sub>2</sub> - крахмал клейстри	б <sub>2</sub> - гуруч крахмали	с <sub>2</sub> -кальций стеарат	д <sub>2</sub> - технологик усул <sup>2</sup>
	а <sub>3</sub> - 95% этил спирти	б <sub>3</sub> -жўхори крахмали	с <sub>3</sub> -стеарин кислотаси	д <sub>3</sub> - технологик усул <sup>3</sup>

Бу усулнинг қўлланилиши тажрибанинг хатосини сезиларли даражада камайтириш ва мўътадиллаштириш мезонларига ҳар хил омилларнинг таъсирини миқдорий жиҳатдан баҳолаш имконини беради.

Асфинол таблеткаларининг кўрсаткичларини мойиллик функциясини ҳисобга олган ҳолда Асфинол таблеткаларига керакли кўрсаткичларни таъминлаб берувчи ёрдамчи моддаларнинг энг мўътадил таркиби танланди. Бунга кўра  $a_3$  - 95% этил спирти,  $b_1$  - картошка крахмали,  $c_2$  - кальций стеарат технологик усул –  $d_3$  сақланди. Тажрибани математик режалаштириш усули натижалари бўйича қуйидаги таркиб ва технология тавсия этилди:

Сафинол	- 0,300 г
Картошка крахмали	- 0,0075 г
Кальций стеарат	- 0,0025 г
<u>Этил спирти 95% мўътадил намликкача</u>	
Ўртача масса	- 0,31 г


Керакли миқдорда ўлчаб олинган, олдиндан майдалаб эланган сафинол ва картошка крахмали (50%) яхшилаб аралаштирилиб, 95 % ли этил спирти билан намланди. Нам масса тешигининг диаметри 1000 мкмли элак орқали донадорланди. Ҳосил бўлган гранулалар мўътадил қолдиқ намлик қолгунча қуритилгандан сўнг тешигининг диаметри 500 мкм ли элак ёрдамида қурук донадорланди. Массани упалашдан олдиндан тешигини диаметри 125 мкм бўлган элакдан эланган кальций стеарат ва крахмалнинг қолган қисми билан упаланди. Тайёрланган массанинг технологик хоссалари тегишли адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида аниқланди.

5- жадвал

**Прессланадиган массани технологик хоссаларини ўрганиш натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар, ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
	n=5
Фракцион таркиб, мкм	
+ 500	-
-500 + 250	64,7
- 250 + 125	28,6
- 125	6,7
Сочилувчан зичлик, кг/м <sup>3</sup>	825
Сочилувчанлик · 10 <sup>-3</sup> кг/с	8,95
Прессланиши, Н	70
Прессланиш коэффиценти	1,25
Зичланиш коэффиценти	1,65
Қолдиқ намлик, %	4,5

Нам донаторлаш усулида Асфинол таблеткаларини олиш технологик жараёни схемаси 1-расмда келтирилди.



**1-расм. Асфинол таблеткаларини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси**

Нам донаторлаш усулида олинган мўътадил таркибли таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Олинган натижалар таҳлил қилинаётган


таблетканинг сифат кўрсаткичлари бўйича меъерий ҳужжатлар талабларига мослиги билан исботланди.

**6-жадвал**

**Асфинол таблеткаларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари**

Ўрганилган кўрсаткичлар	МХ бўйича талаблар	Таҳлил натижалари
Ташқи кўриниши	сарғиш-қаймоқ рангли четлари бутун, цилиндрсимон таблетка	мос келади
Чинлиги	таблетканинг майдаланган кукунидан 0,2 г ни 25 мл ли стаканга солиб, устига 20 мл тозаланган сув солинади ва 3-5 дақиқа давомида аралаштирилади. Аралашма қат -қат қоғоз филтлда орқали сузиб олинади. 2 мл эритмага 1 мл суюлтирилган хлорид кислота кўшилганда оқ рангли чўкма ҳосил бўлади.	мос келади
Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, ± %	(0,31 г) ± 5%	3,47
Парчаланиш, дақ.	15 дақиқагача парчаланиши керак	5-6
Эрувчанлик, %	45 дақиқада 75% дан кам бўлмаслиги керак	91,0
Синишга бўлган қаттиқлик, Н	40 Н дан кам бўлмаслиги керак	60,0
Ишқаланишга бўлган қаттиқлик, %	97% дан кам бўлмаслиги керак	98,3
Таъсир этувчи модда миқдори, г	0,295 г дан 0,315 г гача	0,30
Микробиологик тозалиги	тирик аэроб бактерияларнинг умумий сони $10^4$ дан ошмаслиги керак, ачитки ва моғор замбуруғи $2 \times 10^2$ дан ошмаслиги, 1-гурух Enterobacteriaceae $10^2$ дан ошмаслиги керак. Pseudomonas aeruginosa, Enhericha coli, Salmonella spp, 1-гурух Staphylococcus aurebs лар бўлиши ман этилади.	мос келади

Асфинол таблеткасининг таркибидаги таъсир этувчи модда миқдорини аниқлаш УБ-спектрофотометрик миқдорий таҳлил усулида аниқланди.



2-расм. Асфинол таблеткаси ишчи андоза эритмасининг УБ-спектри

2-расмда Асфинол таблеткасидан тайёрланган ишчи андоза эритмасининг УБ-спектри келтирилган.

Препаратнинг миқдори (X, мг) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди.

$$X = \frac{D_1 \cdot a_0 \cdot 1 \cdot 100 \cdot 100 \cdot m}{D_0 \cdot 100 \cdot 100 \cdot 1 \cdot a_1} = \frac{D_1 \cdot a_0 \cdot m}{D_0 \cdot a_1}$$

бунда

$D_0$  - асфинол ишчи стандарт эритмасининг оптик зичлиги;

$D_1$  – асфинол теширилувчи эритмасининг оптик зичлиги;

$a_0$  – асфинолнинг ИСН тортими, мг;

$a_1$  – текширилувчи модда тортими, мг;

$m$  - таблетканинг ўртача оғирлиги, мг;

Асфинол таблеткасининг миқдор кўрсаткичларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилди. Таблетка таркибидаги сафинол миқдори 0,295 г дан 0,315 г оралиғида бўлиши кераклиги аниқланди.

Таҳлил натижалари ва миқдорий таҳлил усулининг метрологик тавсифи 7-жадвалда келтирилган. Бунда ўртача қийматнинг нисбий хатолиги  $\pm 1,1\%$  ни ташкил этиб, бу ускунавий таҳлил усулларига қўйилган талабларга мос келди.

**Асфинол таблеткаси таркибидаги сафинол миқдорини  
аниқлаш натижалари**

Аниқ тортма, г	Сафинолнинг топилган миқдори		Метрологик тавсифи
	г	%	
0,3092	0,2970	99,00	$P=95,00$ $X_{\text{ўрт}}=0,309$ $f=4$ $S^2=1,5 \cdot 10^{-6}$ $S=1,2 \cdot 10^{-3}$ $S_x=5 \cdot 10^{-4}$ $\varepsilon = 1,1 \%$ $\varepsilon_{\text{ўрт}}= 0,49\%$
0,3081	0,2944	98,13	
0,3110	0,2998	99,93	
0,3082	0,2982	99,41	
0,3091	0,2997	99,90	

Диссертациянинг «**Асфинол таблеткасини биосамарадорлик тадқиқотлари**» номли тўртинчи бобида таблетканинг биосамарадорлигини *in vitro* ва *in vivo* усулида аниқлаш усуллари ёритилди. Асфинол таблеткасининг биосамарадорлигини *in vitro* усулида аниқлаш «айланувчи кажава» асбобида олиб борилди. Асфинол таблеткасидан сафинолнинг ажралиб чиқиш кинетикаси 8-жадвалда келтирилган.


## 8- жадвал

**Асфинол таблеткасидан сафинолнинг ажралиб чиқиш кинетикаси**

Тезлик дақиқа	Сафинол миқдори, %	Ўлчаш вақти, дақиқа					
		5	10	15	20	30	45
50	C	5,65	12,40	16,73	19,80	26,65	28,80
	Co-C	94,35	87,6	83,27	80,20	73,35	71,20
	ln (Co-C)	4,55	4,47	4,42	4,38	4,30	4,27
100	C	16	55,6	73,3	83,5	88,2	90,1
	Co-C	84	44,4	26,7	16,5	11,8	8,9
	ln (Co-C)	4,43	3,79	3,28	2,80	2,47	2,19
150	C	27,5	57,3	78,6	91,5	93,0	93,8
	Co-C	72,5	42,7	21,4	8,5	7,0	6,2
	ln (Co-C)	4,28	3,75	3,06	2,14	1,95	1,82
200	C	39,1	58,8	79,4	90,6	94,5	94,9
	Co-C	60,90	41,20	20,60	9,40	5,50	5,10
	ln (Co-C)	4,11	3,72	3,03	2,24	1,70	1,63



Тажриба натижалари, биофаол моддани таблетка таркибидан ажралиб чиқиш тезлигини, биринчи даражали тенглама  $\ln(C_0-C)$  координатида тўғри чизиқ ҳосил бўлиб, муҳитдаги биофаол модданинг миқдори билан эриш вақти ўртасида тўғри чизиқли боғланиш борлиги кажава дақиқасига 100 мартаба айланганда кузатилди. Кажаванинг айланиш тезлиги 50, 150 ва 200 марта бўлганда бундай боғланиш кузатилмади. 45 дақиқада таблеткадаги сафинолнинг деярли 90,1% дан ортиқ ажралиб чиқишини кўрсатди. (3-расм).



**3- расм. Асфинол таблеткасининг эриш кинетикаси. Таблетка таркибидан таъсир этувчи моддани ажралиб чиқишига кажаванинг айланиш тезлигини таъсири**

Диссертациянинг «**Асфинол таблеткасини сақланиш шароити ва турғунлигини ўрганиш**» номли бешинчи бобида таблеткаларнинг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатларини белгилаш табиий ва «тезлаштирилган эскиртириш» усулларида ўрганилди. Асфинол таблеткаларининг яроқлилик муддатлари уч хил жиҳозга қадоқланган ҳолда табиий ва «тезлаштирилган эскиртириш» усулларда ўрганилди ва олинган натижалар асосида Асфинол таблеткасининг сақланиш муддати 3йил деб белгиланди.

### **ХУЛОСАЛАР:**

1. Сафинол субстанциясининг физик-кимёвий, технологик хоссаларини ўрганиш асосида, Асфинол таблеткасининг тўғридан-тўғри пресслаш ва нам донадорлаш усуллари учун таркиблари танланиб, намуна таблеткалар технологияси, шунингдек нам донадорлаш усулида боғловчи модда сифатида 95% этил спиртини қўллаш тавсия этилди.

2. Тавсия этилаётган препаратларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда қоникарли натижалар олинди ва амалдаги МХ талабларига мос келиши белгиланди.

3. Тавсия этилаётган препаратларнинг биофармацевтик хоссалари “in vitro” ва “in vivo” усулларида ўрганилди. Олинган натижаларга асосан “айланма кажава” тезлиги дақиқасига 100 ай/дақ. бўлганда нейтрал муҳитда 45 дақиқа ичида Асфинол таблеткаларидан 90,1% таъсир этувчи модда ажралиб чиққани белгиланди.

4. Асфинол таблеткасининг терапевтик фаоллиги хориждан келтириладиган Варфарин препаратига нисбатан ўрганилди ва антикоагулянт хоссаси бўйича солиштирма-препарат ўрнини босувчи сифатида тавсия қилинди.

5. Асфинол таблеткаларининг яроқлилик муддатлари уч хил жиҳозга қадоқланган ҳолда табиий ва “тезлаштирилган эскиртириш” усулларда ўрганилди ва олинган натижалар асосида яроқлилик муддати 3 йил деб белгиланди.

6. Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида Асфинол таблеткаси учун тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилди, вақтинча фармакопея мақоласи тузилиб, ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида фойдаланишга руҳсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» Давлат унитар корхонасига тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019. Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МАМАСОЛИЕВА ШАХНОЗА АСКАРОВНА**

**РАЗРАБОТКА СОСТАВА И ТЕХНОЛОГИИ ТАБЛЕТОК  
АНТИКОАГУЛЯНТНОГО ДЕЙСТВИЯ АСФИНОЛ**

**15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.1.PhD/Far27.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Худайбердиев Маруф  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Камбаров Хусан Джахангирович  
доктор фармацевтических наук, доцент  
Сотимов Гайрат Бахтиярович  
доктор технических наук


**Ведущая организация:** Ташкентский химико-технологический институт


Защита диссертации состоится «15» 07 2020 г в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSC.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 4) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «9» 07 2020 года  
(Реестр протокола № 4 от «9» 07 2020 года)



  
**А.Ф.Дусматов**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент

  
**Ё.С. Кариева**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

  
**Ф.Ф.Урманова**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения, 56 % всех летальных исходов среди населения вызваны заболеваниями сердечно-сосудистой системы, связанными в большинстве случаев с образованием тромба в сосудах, и число таких последствий с каждым годом растет. Обеспечение населения лекарственными средствами антикоагулянтами является особенно важным для предотвращения образования тромбов в сосудах и торможения дальнейшего роста существующих тромбов.

В мире одним из направлений развития мировой фармацевтической отрасли является проведение научных исследований по разработке препаратов антикоагулянтов с применением различных современных технологий. В свою очередь проведение научных исследований по разработке препаратов преследуют расширить ассортимент препаратов, выпускаемых отечественной фармацевтическими предприятиями и удовлетворить потребность населения в лекарственных средствах.

В республике достигнуты значительные успехи в области производства лекарственных средств на основе местного сырья и обеспечения населения качественными и доступными в экономическом плане препаратами. В четвертом направлении Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развитию Республики Узбекистан в 2017—2021 годах обозначены основные задачи по «дальнейшему развитию фармацевтической промышленности и совершенствованию обеспечения населения и лечебно-профилактических учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения»<sup>1</sup>. В этой связи разработка лекарственных средств на основе местного сырья является актуальной.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», УП-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019–2021 годах» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

